

Ҳофиз ибн Манда: Муслимнинг китобларидан кўра саҳиҳроқ китобни билмайман



Ҳофиз ибн Манда: Муслимнинг китобларидан кўра саҳиҳроқ китобни билмайман

Уламолар ҳаёти

15:20 / 12.02.2025 1360

Абдурраҳмон ибн Абу Ҳотим айтганлар: «Муслим – ҳофиз, сиқа. Райда у кишидан ҳадис ёзиб олганман. Отамдан у киши ҳақларида сўралганда, «Садуқ», – деганлар».

Ҳофиз Абу Қурайш айтганлар: «Муҳаммад ибн Башшорнинг: «Дунё ҳофизлари тўртта: Райда Абу Зуръа, Найсобурда имом Муслим, Самарқандда Абдуллоҳ Доримий, Бухорода Муҳаммад ибн Исмоил», – деганларини эшитдим».

Абу Амр ибн Ҳамдон айтганлар: «Ҳофиз ибн Уқдадан Бухорий ва Муслим тўғриларида: «Қайсилари олимроқ?» – деб сўрадим. «Бухорий ҳам олим, Муслим ҳам олим», – дедилар. Саволни бир неча марта такрорладим. «Эй Абу Амр, Муҳаммаднинг Шом аҳлидан ёзиб олган ҳадисларида айрим янглишишлар бор. Муҳаммад уларнинг китоблари билан танишиб чиққан ва бир ровийни бир ўринда кунyasi билан, бошқа ўринда эса исми билан келтирганлар. Шу сабаб баъзида бир кишини иккита одам деб ўйлаш эҳтимоли йўқ эмас. Аммо Муслимнинг ривоятлари бундай иллатлардан холи. У киши санаддаги ровийларнинг исмларини тўлиқ ёзганлар. Мақтуъ ва мурсалларни ёзмаганлар», – дедилар».

Мақтуълардан мақсад – саҳобий ва тобеъинларнинг фикҳ ва тафсир борасида айтган сўзларидир.

Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Аҳрам: «Найсобур учта мардни тақдим этди: Муҳаммад ибн Яҳё, Муслим ибн Ҳажжож, Иброҳим ибн Абу Толиб», – деганлар.

Ҳусайн ибн Муҳаммад Мосаржисий айтганлар: «Отам имом Муслимнинг: «Ушбу «Муснади саҳиҳ» китобимни эшитган уч юз мингта ҳадисларимдан сайлаб ёздим», – деганларини эшитган эканлар».

Ибн Манда айтганлар: «Муҳаммад ибн Яъқуб Аҳрамнинг: «Бухорий ва Муслим билмаган саҳиҳ ҳадис деярли йўқ», – деганларини эшитдим».

Ҳоким айтганлар: «Абу Абдурраҳмон Суламийнинг: «Юзлари гўзал, либослари чиройли, саллаларининг печи (учи) елкаларининг ўртасига тушириб қўйилган бир шайхни кўрдим. Бу киши имом Муслим эканлар. Султоннинг ёрдамчилари у кишининг ёнларига келиб: «Амирул мўминин имомликка ўтиб, намоз ўқиб беришингизни буюряптилар», – дейишганда, имом Муслим имом бўлиб, такбир айтиб, намоз ўқиб бердилар», – деганларини эшитдим».

Аҳмад ибн Салама: «Муслим ибн Ҳажжож «Саҳиҳ»ларини ёзганларида 15 йил у киши билан бирга бўлдим. Китобларида 12 минг ҳадис бор», – деганлар.

«Саҳиҳи Муслим»да такрори билан 12 минг ҳадис бор. У киши бир ривоятда: «Бизга Қутайба айтиб берди, Ибн Рамҳ хабар берди», – десалар, санад иккита бўлгани туфайли лафзлари бир хил ёки бир сўзда фарқ қилгани учун уни иккита ҳадис ҳисоблаганлар.

Ҳофиз ибн Манда айтганлар: «Ҳофиз Абу Али Найсобурийнинг: «Осмон гумбази остида Муслимнинг китобларидан кўра саҳиҳроқ китобни билмайман», – деганларини эшитдим».

Маккий ибн Абдон айтганлар: «Муслимнинг: «Бу «Муснад»имни Абу Зуръага кўрсатдим. Ундаги иллатли ва нуқсонли ҳисоблаган ҳадисларини чиқариб ташладим. У киши саҳиҳ (камчиликлардан холи) деганларинигина сақлаб қолдим. Муҳаддислар икки юз йил ҳадис ёзсалар ҳам, ушбу «Муснад»га асосланадилар», – деганларини эшитдим. Муслимдан Али ибн Жаъд тўғриларида сўрадим. «У киши сиқа, лекин жаҳмий бўлганлар», – деб айтдилар.

Муҳаммад ибн Язид тўғриларида сўрадим. «У кишидан ҳадис ёзиб олинмайди», – дедилар.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ва Абдурраҳмон ибн Бишр тўғрилирида сўрадим, улар «сиқа», – дедилар.

Қатан ибн Иброҳим тўғрилирида сўраганимда, «У кишининг ҳадислари ёзилмайди», – дедилар».

Абу Аҳмад Ҳокимга Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Нажжор, у кишига Иброҳим ибн Абу Толиб айтганлар: «Муслимга: «Сиз «Саҳиҳ»ингизда Аҳмад ибн Абдурраҳмон Ваҳбийдан анча ҳадис ривоят қилгансиз. Ваҳоланки, у кишининг ким эканликлари ҳаммага аён-ку», – деганимда, Муслим: «Мен Мисрдан қайтганимдан кейин шундай ҳолат содир бўлган», – дедилар».

«Саҳиҳи Муслим»да олий санадли ҳадислар оз. Чунончи: Қаънабийнинг Афлаҳ ибн Ҳумайддан қилган ривояти, Ҳаммод ибн Салама, Ҳаммом, Молик ва Лайсининг ривоятлари ва бошқалар. «Саҳиҳи Муслим»да Шуъбадан, Саврийдан, Исроилдан келган олий санадли ҳадислар йўқ. Ўз навбатида нафис, пурмаъно бу китобдан ҳадис ҳофизлари ниҳоятда ҳайратга тушганлар. Улар бу китобни имом Муслимнинг ўзларидан эшитмаганлар. Ўзлари ҳадис китобларидан имом Муслим ривоят қилган ҳадисларнинг олий санадлиларини қидирганлар. Имкон қадар ровийларини битта-иккитага камайтириб, ҳадис ривоятининг олий даражаларини топдилар ва уни бир китоб қилиб «Мустаҳраж ала Саҳиҳи Муслим» деб номладилар. Бу ишни кўп ҳадис чавандозлари амалга оширдилар. Улар: Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ражо, Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ Исфаройиний (ўз китобларида қўшимча қилган баъзи матнлар аҳли ҳадис наздида енгил саналади).

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан